ЖИГАР ЦИРРОЗИДА САРКОПЕНИЯНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Рузибоев Худойшукур Юсупович

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш., Ўзбекистон

Долзарблиги. Янги даволаш дастурларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этишда уларнинг клиник самарадорлиги билан бир қаторда иқтисодий асосланганлигини баҳолаш зарур, бироқ жигар циррозида саркопенияни комплекс даволашнинг иқтисодий самарадорлиги етарлича ўрганилмаган [1,2].

Мақсад. Компенсациялашган жигар циррозли беморларда саркопенияни комплекс даволашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Саркопения билан асоратланган компенсациялашган жигар циррозли 90 нафар бемор (45–59 ёш) текширилди: асосий гуруҳ (n=45) стандарт терапия билан бирга комплекс нутритив-жисмоний реабилитация дастурини олди. Иқтисодий самарадорлик M.F. Drummond ва ҳаммуаллифлар (2015) томонидан таклиф этилган услубий ёндашув асосида, тўғридан-тўғри тиббий харажатлар нуқтаи назаридан ҳисобланди.

Натижалар. Комплекс дастур жорий этилиши билан стационар даволаш давомийлигининг 3 койко-кунга қисқариши моделлаштирилди (кунлик ўртача харажат 600 000 сўм), бу бир беморга тўғри келувчи стационар харажатларнинг 1 800 000 сўмга камайишини таъминлади. Дастурни амалга ошириш учун қўшимча харажатлар бир беморга 400 000 сўмни ташкил этди. Шунга кўра, соф иқтисодий самара бир беморга 1 400 000 сўмни ташкил этди.

Хулоса. Компенсациялашган жигар циррозли беморларда саркопенияни комплекс даволаш ижобий модел иқтисодий самарага эга; олинган ҳисоб-китоблар унинг амалиётга жорий этилиши учун иқтисодий асосланганлигини кўрсатади, аммо тўлиқ фармакоиқтисодий баҳолашни талаб қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Singal AK, Wong RJ, Dasarathy S, et al. ACG Clinical Guideline: Malnutrition and Nutritional Recommendations in Liver Disease. Am J Gastroenterol. 2025;120(5):950-972.

2. Cruz-Jentoft AJ, Bahat G, Bauer J, et al; Writing Group for the European Working Group on Sarcopenia in Older People 2 (EWGSOP2). Sarcopenia: revised European consensus on definition and diagnosis. Age Ageing. 2019;48(1):16-31.